



Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences

Journal home page:
<http://ijournal.uz/index.php/jartes>



Journal of Academic Research and
Trends in Educational Sciences
(JARTES)

VOL. 2, ISSUE 1

ISSN 2181-2675

www.ijournal.uz

COVERAGE OF THE SERVICE SECTOR IN UZBEKISTAN IN RESEARCH (USING THE EXAMPLE OF CONSUMER SERVICES IN SOVIET PERIOD)

O. Sadullaev¹

Jizzakh Academic Lyceum of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

KEYWORDS

scientist, consumer service,
place, Union republics, to
propose

ABSTRACT

The article highlights the issues, research activities of consumer services in Uzbekistan by scientists, as well as the level of problem-solving approach and the results of recommendations to improve the activities. In addition, was analyzed indicators of the Union Republics in this area and some of the issues on the basis of the scientific literature.

2181-2675/© 2023 in XALQARO TADQIQOT LLC.

DOI: 10.5281/zenodo.7871299

This is an open access article under the Attribution 4.0 International(CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Teacher of the Jizzakh Academic Lyceum of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРДА ЁРИТИЛИШИ (СОВЕТ ДАВРИДА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ МИСОЛИДА)

KALIT SO'ZLAR/

КЛЮЧЕВЫЕ СЛОВА:

тадқиқотчи, майший хизмат, ўрин, Иттифоқ республикалари, таклиф этмоқ

ANNOTATSIYA/ АННОТАЦИЯ

Мақолада совет ҳукумати йилларида Ўзбекистонда аҳолига майший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини тадқиқотчи олимлар томонидан ўрганилганлиги, соҳадаги муаммоларга ёндошув даражаси, тавсия этилган таклифлар, муаммоларни ёритилиши, Иттиофдаги кўрсаткичлар ҳамда шу каби бир қанча масалалар илмий адабиётлар асосида таҳлил этилган.

Одатда аҳолига майший хизмат кўрсатиш деганда ҳалқ хўжалигининг турли тармоқларини ўзида бирлаштириб, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондиришга қаратилган тизимни тушунилади. Бунда савдо, умумий овқатланиш, маданий-маънавий ташкилотлар, транспорт ва алоқа тизими билан боғлиқ соҳалар, уй-жой ва коммунал хўжалик, майший хизмат кўрсатиш муассасалари ва бошқа қўплаб соҳаларни назарда тутилади.

Айтиш лозимки, майший хизмат соҳасида аҳоли томонидан тушаётган буюртмаларни ўз вақтида ва сифатли тарзда амалга ошириш, ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариш, энг асосийси ишни тўғри ташкил қилиш бевосита малакали кадрлар фаолиятига боғлиқдир.

Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин майший хизмат соҳасига дастлабки йилларда умуман эътибор берилмади, чунки ҳукумат ўз сиёсий мавқеини тиклаш билан овора эди. Сиёсий бошбошдоқлик даврида аҳоли учун энг зарур эҳтиёж моллари етишмаган бир даврда майший хизмат ҳақида гап хам бўлиши мумкин эмас эди. Совет ҳокимияти 20 йилларнинг охирларига келибгина бу масалага маълум маънода эътибор қаратишга киришди. Хизмат кўрсатиш тармоғига кадрлар етишмаганлиги сабабли кадрлар тайёрлаш тизимининг ташкилий-хуқуқий асосларини яратишга эътибор қаратилди. Жумладан, ВКП (б) МҚ 1928 йил июл ойидаги пленумида “Янги мутахассисларни тайёрлашни яхшилаш ҳақида”ги қарор ҳамда 1929 йил ноябр ойидаги “Ҳалқ хўжалиги кадрлари тўғрисида”ги қарорлари қабул қилинди².

Аҳолига майший хизмат кўрсатиш тизими фаолияти тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, бу соҳа ҳалқ хўжалигининг асосий тармоқларидан биридир. Бошқача айтганда, уй-жойни таъмирлаш, тикувчилик, умумий овқатланиш шахобчалари, рўзгордаги турли ускуналарини созлатиш, фото, видео ва телефон хизматларидан фойдаланиш, шаҳар йўловчи транспорти сингари ўнлаб майший

² История Коканда. –Ташкент: Фан, 1984. -Б.96.

хизмат турлари аҳоли кундалик ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Шу боис тарихчилар, иқтисодчилар ва жамиятшунос тадқиқотчилар томонидан ўтган асрдаёқ ушбу тармоқнинг халқ хўжалигидаги ролини таҳлил этишга бағишиланган тадқиқотлар ўтказилган.

ХХ асрнинг 60-80 йилларида Ўзбекистонда аҳолига майший хизмат кўрсатиш тизимишинг фаолияти, соҳадаги ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар ҳамда мавжуд муаммоллар А.Х.Умаров, М.Турғунов, Б.Х.Хашимов, А.Хазратқулов, Б.Абдурашидов, С.Ражабов, И.Г.Вольфсон, Д.Д.Хасанова, ва М.С.Хидоятов ва бошقا тадқиқотчилар томонидан ўз йўналишлари бўйича қисман, маълум бир даврга оид ёки худуд бўйича ўрганилган³.

А.Х.Умаровнинг «Тошкент шаҳридаги майший хизмат муассасалари таркиби рациональ ташкиллаштириш ва таҳлили» номли қўлланмасида 1968-1969 йилларда Тошкент шаҳрида куйидаги 14 та маҳсуслаштирилган⁴ корхона кенг кўламда аҳолига хизмат кўрсатганлигини маълум қиласди⁵. Шунингдек муаллиф томонидан, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси томонидан 1965-1968 йилларда Тошкент шаҳар аҳолига майший хизмат кўрсатиш бошқармасига ишлаб чиқариш

³ Рахимов И. Становление коммунистической нравственности в быту. Ташкент., 1965. 236 с.; Ахунов Б.К. Культура быта и её значение в духовном развитии личности. Ташкент., 1968; Стасько В.Н. Служба быта в центре внимания . Ташкент., 1969.; Умаров А.Х. Анализ и рациональная организация структуры службы быта. Ташкент, 1969.; Умаров А.Х.Проблемы службы быта и спрос населения на бытовые услуги. Ташкент: УзИНГИ, 1969; Арипов К. Повышение культуры быта трудящихся масс в период коммунистического строительства и его значение в преодоление религиозных пережитков. Автореф. канд. филос. наук.- Ташкент., 1970. 30 с.; Стасько В.Н. Правовые вопросы управления бытовым обслуживанием населения.(по материалам УзССР). Дисс... канд. юрид. наук.- Ташкент., 1971, 204 с.; Собчак А.А. Руководства местных Советов депутатов трудящихся бытовым обслуживанием населения (по материалам УзССР). Дисс... канд. юрид. наук.-Ташкент., 1971. 204 с.; Умурзакова О.П. Закономерности сближения быта и традиций социалистических наций. Ташкент., 1971. 489 с.; Джаббаров И. Общественный прогресс быт и религия (Социально-философское исследование на материалах Узбекской ССР) Ташкент: Узбекистан, 1973.219 с.; Джуманиязов Р. Повышение культуры быта села в условиях развитого социализма (Из опыта партийной организации Узбекистана 1960-1973 гг.) Ташкент: Узбекистан, 1974.248 с.; Тургунов М. Рост материального благосостояния колхозного крестьянства Узбекистана в восьмой пятилетке. (1966-1970) Дисс... канд. эконом. наук.-Ташкент, 1976. 174 с.; Хашимов Б.Х. Использование рабочей силы в сферы бытового обслуживания Узбекской ССР. Автореф... дисс. канд. эконом. наук.-Ташкент, 1976.; Абдурашидов Б.А. Потребности в бытовых услугах и проблемы планирования развития бытового обслуживания населения в союзной республике (на примере Узбекской ССР) Автореф... дисс. канд. эконом. наук. -Москва, 1977.; Хазратқулов А. Рост материального благосостояния колхозного крестьянства Узбекистана. (1966-1975). Дисс... канд. ист. наук.- Ташкент., 1980. 218 с.; Хасанова Д.Д. Повышение культуры производственного быта сельских тружеников Узбекистана в условиях развитого социализма. Дисс... канд. филос. наук.-Ташкент., 1982. 150 с; Ражабов С. Повышение материального благосостояния и культурного уровня колхозного крестьянства Узбекистана в условиях развитого социализма (На материалах Хорезмской области. 1966-1980 гг.) Дисс... канд. ист. наук. -Ташкент, 1982.176 с.; Хидоятов М.С. Развитие культуры быта в условиях различных типов сельских поселений. Дисс... канд. филос. наук.- Ташкент., 1989. 167 с. ва бошқ.

⁴ 100 ортиқ йўналиш бўйича хизмат кўрсатган «Шарқ» комбинати, барча ателье ва устахоналарни бирлаштирган якка тартибда тикиш фабрикаси, мураккаб майший хизмат техникаларини таъмирловчи «Север» фабрикаси, соатларнинг барча турларини созлайдиган ва заргарлик буюмларини таъмирлайдиган «Ремточмех» комбинати, «Реммебель» комбинати, «Металлобытремонт» комбинати, «Кийимларни кимёвий тозалаш ва ранг бериш» фабрикаси, «Фотореклама» комбинати, барча турдаги сартарошлар фаолиятини бирлаштирган «Сартарошлик хизмати», исталган турдаги кийимларни таъмирлайдиган, ағдариб тикадиган ёки кискартирадиган «Кийимларни таъмирлаш» комбинати, қимматбаҳо нарсалар эвазига вақтинча маблағлар бериб турадиган ломбард, трикотаж нарсаларни ишлаб чиқадиган ва таъмирлайдиган «Новинка» ательеси; «Голубой экран» ательеси.

⁵ Умаров А.Х. Анализ и рациональная организация структуры службы быта г.Ташкента.Ташкент, 1969. -Б.5.

майдонларини беришда етарли эътибор қаратмаётганлиги, Минск, Харьков, Киев ва бошқа шаҳарларда тизимнинг фаолияти ҳам бошқача йўлга қўйилганлигини, биргина Рига шаҳрида ўрта ҳисобда бир йилга 33 руб. миқдорида майший хизмат кўрсатилса, Тошкент шаҳрида Майший хизмат кўрсатиш бошқармаси тассаруфидаги муассасалар томонидан 16 руб. 08 тийин, шаҳар бўйича 21 руб. 84 тийин миқдорида хизмат кўрсатилаётганлигини кўрсатиб ўтади⁶. Дарҳақиқат, республикада майший хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа Иттифоқдош республикларга нисбатан анча орқада бўлган.

В.Н. Стасько тадқиқот ишида, Ўзбекистонда Аҳолига майший хизмат кўрсатиш вазирлиги 1966 йил ташкил этилганлигига қарамасдан, тизим фаолияти билан боғлиқ муассасалар вазирлик таркиби тўлиқ бирлаштирилмаганлигини, яъни, 1970 йилни бошида Ўзбекистонда Аҳолига майший хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳамда совет ҳукумати Мудофаа вазирлигидан ташқари 14 та турли вазирликлар ва юқори идоралар аҳолига майший хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланганлигини қайд этади. Асосан, кўплаб майший хизмат кўрсатиш устахоналари Ўзбекистон Енгил саноат вазирлиги корхоналарига бўйсинган (пойабзаларни таъмирлаш, тикишга оид нарсаларни якка тартибда тикиш, кирни ювиш, фото суратхона ҳамда сартарошхона хизматлари). Бундан ташқари, республикадаги 9 та турли вазирликлар ҳамда юқори идоралар таркибида ҳаммомлар мавжуд бўлган⁷. 1968 йил таҳлилига кўра, республикадаги 34 та жамоа ва давлат ҳўжаликларида биронта майший хизмат кўрсатиш устахонаси мавжуд бўлмаган, барча майший хизмат ҳўжалигини чорак қисмидан қўпроғида фақат пойабзалларни таъмирлаш ҳамда сартарошлиқ хизмати бор бўлиб, қишлоқ оиласарининг 28% кийимларни тикиш ва таъмирлаш ательелари хизматидан фойдаланишган⁸.

Тадқиқотчи М.Тургунов қишлоқ жойларида аҳоли турмушини кўтаришга оид совет ҳукуматининг қарорлари, маданий ва майший соҳани ривожлантириш учун ажратилган маблағлар, майший хизматга доир кўрсаткичлар каби қатор ижобий маълумотлар билан бирга оқсоқликлар мавжудлигини ҳам қайд этади. Чунончи, 1966-1970 йилларда шаҳар ва қишлоқларда тикиш ва таъмирлаш устахоналари, ижара пунктлари, кимёвий тозалаш, мебель ва уй-рўзғор буюмларини таъмирлаш устахоналари ҳамда кир ювиш пунктлари етишмаётганлиги, хизмат кўрсатиш маданияти пастлигини баён этади⁹.

Худди шу каби маълумотлар, тадқиқотчи А.Хазраткуловнинг диссертация ишида қишлоқ жойларида аҳоли турмуши, даромадлари, таъминоти, уй-жой

⁶ Умаров А.Х. Кўрсатилган адабиёт.-Б.10-11.

⁷ Стасько В.Н. Правовые вопросы управления бытовым обслуживанием населения.(по материалам УзССР) Дисс... канд. юрид. наук.-Ташкент, 1971. - Б.20.

⁸ Стасько В.Н. Кўрсатилган адабиёт.-Б.71.

⁹ Тургунов М. Рост материального благосостояния колхозного крестьянства Узбекистана в восьмой пятилетке. (1966-1970) Дисс... канд. эконом. наук.-Ташкент, 1976. -Б.176-177 .

қурилишидаги ўсишлар, маданий-маиший, тиббиёт ва спорт соҳасидаги ютуқларни кўпроқ ёритилган. Бу соҳаларни ривожлантиришга оид совет ҳукуматининг қарорлари, маданий ва майший соҳани ривожлантириш учун ажратилган маблағлар, майший хизматга доир кўрсаткичлар каби қатор ижобий маълумотлар қайд этилган.

Тадқиқотчи И.Г.Вольфсоннинг илмий ишида эса, 1960-1974 йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатишни асосий фондлари жон бошига ҳисобида 2,2 маротабага ошганлиги, 10 минг нафар аҳолида тизимда банд бўлганлар сони 68,8%га ўсганлигини, тизимни ўсиш суръатлари анча юқори бўлишига қарамасдан, Ўзбекистонда аҳолини майший хизмат соҳаси билан таъминланганлиги бошка Иттифоқ республикаларига нисбатан анча паст бўлганлигини маълум қилинади¹⁰.

Тадқиқотчи А.А.Собчак томонидан юқоридаги каби ҳолатлар тасдиқланади ҳамда XX асрнинг 70-йиллар бошида Ўзбекистонда киши бошига майший хизмат кўрсатиш ҳажми Иттифоқдош республикаларга нисбатан жуда орқада бўлганлиги кузатилади¹¹.

Г.И.Исхаков ўз илмий ишида, республикада 1965-1974 йилларда майший хизмат муассасаларида ишловчилар сони 33,9 минг нафардан 63,4 минг нафарга ошганлиги (1,9 мартараба), аммо бу даражада кадрларни ўсиши ҳар доим ҳам ходимларни касбий тайёргарлигини инобатга олинмаслиги, оқибатда бажарилаётган ишнинг сифати ва меҳнат унумдорлигини пасайиб кетиши кузатилишини маълум қиласи. 1974 йилда совет мамлакатида ўрта ҳисобда 1000 нафар аҳолига хизмат кўрсатиш 8,5 нафар майший хизмат ходимларига тўғри келган бўлса, бу кўрсаткич Ўзбекистонда 5 кишига тўғри келганлиги қайд этилади¹².

Айтиш жоиз, тадқиқотчи Г.И.Исхаков тизимни ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омилларга оид ўтказилган илмий изланишлар натижасида, аҳолига майший хизмат кўрсатишнинг асосий турларида ҳудудий ўзига хослик муҳим аҳамият касб этиш, лекин бу ҳолатлар соҳада ҳар доим ҳам ҳисобга олинмаслиги кўрсатиб ўтади.

Тадқиқотчи Б.А.Абдурашидов 1966-1975 йилларда, республикада аҳолига майший хизмат кўрсатиш ҳажми 4,8 маротабага, шу жумладан шаҳарда -3,5 маротабага, қишлоқда -9,2 маротабага ошганлиги, бу эса шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида тизимга оид тафовутни қисқартирганлигини маълум қиласи. Бундан ташқари, муаллиф томонидан жон бошига майший хизмат кўрсатиш даражаси бошка иттифоқ республикаларига нисбатан ўртача кўрсаткичдан пастлиги, бу ҳолатни келиб чиқишига соҳани бошқариш ва режалаштириш ишларини тўғри

¹⁰ Вольфсон И.Г. Закономерности развития сферы обслуживания населения в условиях развитого социализма и их региональные проявления. Автореф... дисс. канд. экон. наук - Ташкент, 1976. - Б.9.

¹¹ Собчак А.А. Руководства местных Советов депутатов трудящихся бытовым обслуживанием населения (по материалам УзССР) Дисс... канд.юрид..наук. - Ташкент, 1971. - Б. 4.

¹² Исхаков Г.И. Вопросы развития бытового обслуживания населения в Узбекистане. Автореферат ... канд. экон. наук. - Ташкент, 1976. - Б.13.

ташкил этилмаганлиги қайд этилади¹³. Шунингдек, муаллиф фикрича аҳоли томонидан майший хизматга эҳтиёжни ўсиш суръати ва таркибиға таъсир этувчи (аҳолининг ёши, жинси, оиласда аъзоларининг миқдори, миллий урф-одатлар ...) бир қанча омиллар кам ўрганилган¹⁴.

С.Ражабовнинг тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация ишида қишлоқда маданий турмушни ўсиши ҳамда уни шаҳар даражасига яқинлаштириш ривожланган социализм шароитида партиянинг муҳим ижтимоий вазифаларидан бири эканлиги қайд этилади¹⁵. Муаллиф томонидан қишлоқ аҳолиси ва шаҳар аҳолиси ўртасидаги майший, коммунал, маданий, тиббий, уй-жой масаласидаги ўзаро тафовутлар аста-секин тенглашиши компартия дастурида қайд этилганлиги ҳамда кейинчалик бу масалалар съезд ҳужжатларида, Марказий қўмита Пленумлари қарорида, партия ва ҳукумат қарорларида, раҳбариятнинг нутқларида ўз аксини топганлигини баён қиласди¹⁶. Эътиборли томони муаллиф, бу орқали қишлоқда аҳолига майший хизмат кўрсатиш даражаси шаҳардан сезиларли ўзиб кетганлигини маълум қиласди¹⁷.

Ш.Камиловнинг замонавий ўзбек қишлоқларида маданий-майший тизимни шаклланишида иқлим шароити, тарихий ва демографик шарт-шароитлар муҳим аҳамият касб этиши таъкидланиб, шаҳар ва қишлоқ орасидаги тафовутни бартараф этишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган ёрдамчи хўжаликларни ташкил этиш, касаначиликни ташкил қилиш, айниқса шаҳарни қишлоққа маданий-майший соҳадаги оталиқ ёрдамини ривожлантириш (талабалардан ташкил топган қурилиш ва маҳсус қишлоқ хўжалиги отрядлари ёрдамида) зарурлигини таклиф этади¹⁸.

М.С.Хидоятов томонидан эса аҳолига майший ва коммунал хизмат кўрсатишда Иттифоқ республикалари даражасидан пастлиги, яъни бу кўрсаткичларда Ўзбекистон 12-13 ўринда турганлиги қайд этилади¹⁹.

Хулоса тариқасида айтиш лозимки, XX асрнинг 60-70 йилларида совет ҳукумати томонидан мамлакат узра аҳоли орасида “социалистик турмуш тарзи”ни шакллантиришга кенг эътибор қаратилиб, ушбу масала давлат сиёсатидаги асосий вазифалардан бири бўлди. Ўз ўрнида, бу мақсадани амалга оширишда аҳолининг

¹³ Абдурашидов Б.А. Потребности в бытовых услугах и проблемы планирования развития бытового обслуживания населения в союзной республике (на примере Узбекской ССР) Автореф... дисс. канд. эконом. наук. –Москва, 1977. – Б.8-9.

¹⁴ Абдурашидов Б.А. Кўрсатилган адабиёт.-Б. 9-10.

¹⁵ Ражабов С. Повышение материального благосостояния и культурного уровня колхозного крестьянства Узбекистана в условиях развитого социализма (На материалах Хорезмской области. 1966-1980 гг.) Дисс... канд. ист. наук. –Ташкент, 1982. – Б.138.

¹⁶ Ражабов С. Кўрсатилган адабиёт. -Б. 140.

¹⁷ Ражабов С. Кўрсатилган адабиёт.-Б. 150-151.

¹⁸ Камилов Ш Преодоление культурно-бытовых различий между городом и деревней - закономерность коммунистического строительства (на материалах Узбекской ССР) Автореф... канд. филос. наук -Киев. 1983. (Электрон. ресурс: www.dissercat.com)

¹⁹ Хидоятов М.С. Развитие культуры быта в условиях различных типов сельских поселений. Дисс... канд..филос. наук. - Ташкент, 1989. -Б. 132-133.

кундалик турмушида мавжуд бўладиган қатор муаммоларни, шу жумладан умумий овқатланиш, коммунал хўжалик, майший хизмат қўрсатиш каби бир неча соҳаларни жадъал ривожлантириш тақозо этилар эди. Қайд этиш жоиз, Ўзбекистонда ҳам бу масала ўз даврида бир гурӯҳ тадқиқотчилар томонидан ўз йўналишлари бўйича ўрганилди. Илмий изланишлар сарҳисобида, айнан майший хизмат қўрсатиш тизимдаги ютуқлар билан бирга муаммолар ҳам қисман ёритилиб борилди ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан баъзи таклиф-мулоҳазалар қўрсатиб ўтилди. Аммо, совет ҳукумати томонидан соҳани ривожлантириш бўйича белгиланадиган истиқболли режаларда ушбу тадқиқотларда мобайнида аниқланган камчиликларга ва таклифларга жиддий эътибор қаратилмади.

Adabiyotlar

1. Abdurashidov V.A. Потребности в бытовых услугах и проблемы планирования развития бытового обслуживания населения в союзной республике (на примере Узбекской ССР) Автореф... дисс. канд. эконом. наук. - Moscow, 1977. p.p.8-9.
2. Bobojonova D. Ўзбекистонда ижтимоий-иктисодий муносабатлар (70-80 йиллар мисолида).- Tashkent: Sharq, 1999. p.p.11-114.
3. Djumaniyazov R. Повышение культуры быта села в условиях развитого социализма. -Tashkent: Uzbekistan, 1974. -P.135.
4. : znanie, 1970. p.p. 15-16.
5. Sobchak AA Руководства местных Советов депутатов трудящихся бытовым обслуживанием населения (по материалам УзССР) Дисс... канд. юрид. наук.- Tashkent, 1971. p.p. 19-20.
6. Stasko V.N Служба быта- в центре внимания. -Tashkent: Uzbekistan, 1969. p.p. 6-8.
7. Stasko V.N. Правовые вопросы управления бытовым обслуживанием населения.(по материалам УзССР) Дисс... канд. юрид. наук. - Tashkent, 1971. p. 20-21.
8. The scientific-technical and medical documentation CSA of the Republic of Uzbekistan, 173 foundation, stock list of 1, 99, 84 sheet of paper.
9. The set of all types of clocks and jewelry repair.
10. Tukhtayev A.Q. Ўзбекистонда миллий ҳунармандчилик ва уни “социалистик” асосда саноатлаштиришнинг ижтимоий оқибатлари (1917-1941 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати.- Tashkent, 2001. p.16-17.
11. Turgunov M. Рост материального благосостояния колхозного крестьянства Узбекистана в восьмой пятилетке (1966-1970). Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. -Tashkent, 1976. p.p.171-177.
12. Umarov A.H. Анализ и рациональная организация структуры службы быта.-Tashkent, 1969. p.3.

13. Xashimov B.H. Использование рабочей силы в сфере бытового обслуживания Узбекской ССР. Автореф... дисс. канд. эконом. наук. -Tashkent, 1976. p.8-13.
14. Xidoyatov M.S. Развитие культуры быта в условиях различных типов сельских поселений. Дисс... канд. филос. наук. - Ташкент, 1989. р.3-133.
15. Zheng VA, Atadjanova Kh.Kh. Ўзбекистон Маҳаллий саноати 70 йил ичидаги -Tashkent: Uzbekistan, 1991. p. 6-23.
16. Nasirov B., Muborak K., Moxina K. ACTIVITY OF CATERING INSTITUTIONS IN UZBEKISTAN AT THE END OF THE 19TH-EARLY 20TH CENTURY: CHANGES AND ATTITUDES //Journal of Academic Research and Trends in Educational Sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 11. – С. 230-240.
17. Uralovich N. B. et al. XIZMAT KO 'RSATISH TIZIMIDAGI TRANSFORMATSION JARAYONLAR:(XIX asr oxiri-XX asr boshlarida umumiy ovqatlanish tizimi misolida) //International Journal of Contemporary Scientific and Technical Research. – 2022. – С. 359-363.
18. Uralovich N. B. TRANSFORMATIONAL PROCESSES IN THE GENERAL FOOD SYSTEM (in the example of the catering system in the late 19th and early 20th centuries) //Web of Scientist: International Scientific Research Journal. – 2022. – Т. 3. – №. 10. – С. 1253-1258.
19. Artukmetov Z. et al. Composition of waste water from poultry factories and their suitability for irrigation of agricultural crops (as an example of Tashkent province, Uzbekistan) //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – Т. 244. – С. 01018.
20. Nasirov B. HISTORICAL SCIENCES //Главный редактор научно-исследовательского журнала «International scientific review», Вальцев СВ. – 2016. – Т. 4. – С. 61.
21. Носиров Б. ИЖТИМОЙЙ-МАИШИЙ ИНФРАСТРУКТУРАЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭЪТИБОРГА ОЛИНМАГАН ОМИЛЛАР (СОВЕТ ДАВРИДА): Носиров Бунёд, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Жиззах филиали //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2022. – №. 4. – С. 8-12.